
2020 йилда фермер хўжаликлари томонидан боғчалар ташкил этилади

2020 йилда кўп тармоқли фермер хўжаликлари экотуризмни ривожлантириш ва мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш билан ҳам шуғулланади. Бу ҳақда кун.уз интернет нашри [хабар қилмоқда](#).

"Келгуси йилда **22 та** йўналиш бўйича **11,957 та** фермер хўжалиги кўп тармоқли тизимга ўтказилади. Йил давомида **2,2 трлн. сўм** маблағ асосида **12,4787 та** лойиҳа амалга оширилади. Натижада **41 мингдан ортиқ** кишининг иш билан бандлиги таъминланади", – дейди қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Шухрат Тешаев Сенатнинг 25-ялпи мажлисида.

Вазир ўринбосарига кўра, 2020 йилда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш дастурига асосан, фермер хўжаликлари экотуризмни ривожлантириш ва мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш билан шуғулланади.

"**43 та** фермер хўжалиги томонидан **3500 ўринга** эга боғча ташкил этилади", – дея Шухрат Тешаевнинг сўзларини келтирмоқда Кун.уз мухбири.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2019-12-16 17:11:22